

**ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 03/30.04.2021.Т.106.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ**

---

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

**ҒАНИЕВ ПИРНАЗАР ХУДОЙНАЗАРОВИЧ**

**АНГРЕН ҚЎНҒИР КЎМИРИ БАЗАСИДА МУРАККАБ ГУМАТЛАР ВА  
ГУМИНЛИ ЎҒИТЛАР ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фарғона– 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Ганиев Пирназар Худойназарович**

Ангрен кўнғир кўмири базасида мураккаб гуматлар ва гуминли ўғитлар олиш технологияси ..... 3

**Ганиев Пирназар Худойназарович**

Технология получения сложных гуматов и гуминовых удобрений на базе Ангренского бурого угля ..... 22

**Ganiev Pirnazar Khudoinazarovich** Technology for the production of complex humates and humic fertilizers based on Angren brown coal..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 42

**ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 03/30.04.2021.Т.106.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ**

---

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

**ҒАНИЕВ ПИРНАЗАР ХУДОЙНАЗАРОВИЧ**

**АНГРЕН ҚЎНҒИР КЎМИРИ БАЗАСИДА МУРАККАБ ГУМАТЛАР ВА  
ГУМИНЛИ ЎҒИТЛАР ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фарғона– 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Т1915 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация иши Умумий ва ноорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси [www.ionx.uz](http://www.ionx.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим тармоғига ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Усанбаев Нажимуддин Халмурзаевич**  
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

**Расмий оппонентлар:**

**Турдиалиев Умид Мухторалиевич**  
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

**Умиров Фарход Эргашович**  
техника фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент кимё технология институти**

Диссертация ҳимояси Фарғона политехника институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc 03/30.04.2021.Т.106.04 рақамли Илмий кенгашнинг «29» декабрь 2021 йил соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100170, Фарғона шаҳри, Фарғона кўчаси, 86-уй. Тел.: (99873) 241-12-01); факс: (+99873) 241-12-06.).

Диссертация билан Фарғона политехника институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (2-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Фарғона шаҳри, Фарғона кўчаси, 86-уй. Тел.: (99873) 241-12-01); факс: (+99873) 241-12-06.).

Диссертация автореферати 2021 йил « 17 » декабрь куни тарқатилди.  
(2021 йил 17 декабрдаги № 2 -рақамли реестр баённомаси).

**Хамдамова Ш.Ш.**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, к.ф.д., доцент.

**Назирова Р.М.**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
котиби, т.ф.ф.д. (PhD)

**Тожиев Р.Р.**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги Илмий семинар раиси, т.ф.д. доцент.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон деҳқончилик тажрибаси ва кўплаб агрокимёвий синовлар гумус моддалари тупроқ унумдорлигини сақлашда, минерал ўғитларнинг фойдали таъсирини оширишда ва қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ва сифатли ҳосил олишда муҳим вазифаларни бажаришини кўрсатмоқда. Шу боис таркибида турли озуқа моддалари тутган гумусли ўғитлар ва мураккаб гуматларни олиш ва қўллаш қишлоқ хўжалиги маҳсулдорлигини ошириш мезони ҳисобланади. Бу ўринда турли тупроқларда фойдаланишга мўлжалланган кенг ассортиментдаги гумусли ўғитлар ва мураккаб гуматлар олиш технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

Дунёда таркибида турли озуқа ва физиологик актив моддалар тутган гуминли ўғитлар, гуматлар олиш ва гуминли моддаларнинг хоссаларини ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, гумус табиатли органик моддаларни турли усуллар билан қайта ишлашда удардан гумус моддаларини ҳосил бўлишига ва унумини оширишга; фосфат хом ашёсини қайта ишлашда гуминли моддалар ва сульфат кислотадан фойдаланиб гуминли ўғитлар олишнинг мақбул шароитларини аниқлаш; карбамид суюқланмаси ва оксидланган кўмир асосида гуминли ва гуматли карбамид олиш технологияларини ишлаб чиқиш; гумус табиатли органик моддалар асосида турли хил озуқа моддалари ва физиологик фаол моддаларни тутган мураккаб гуматларни олишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикада маҳаллий хом ашёлар асосида янги турдаги ўғитлар ва ўсимликларнинг ўсишини фаоллаштирувчи моддалар олиш ва уларнинг ўсимлик ўсиши ва ривожланишига ҳамда тупроқ унумдорлигига таъсирини ўрганиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида «...саноатни юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш...»<sup>1</sup> каби муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиқиб юқори агрокимёвий самарадорликка эга бўлган гуминли оддий суперфосфат, гуминли ва гуматли карбамид ва таркибида турли озуқа ва физиологик актив моддаларни тутган мураккаб гуматларни олишнинг самарадор технологияларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги ва 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853 сон "Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони

2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги фармонлари ҳамда 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сон «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш чоратadbирлари тўғрисида»ги Қарори шунингдек мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишларга мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дунёда гумус табиатли органик моддалардан гумус моддалар ҳосил бўлиши механизми, гумин кислоталарни тузилиши ва хоссаларни ўрганиш, органик минерал ўғитлар ва гуматлар олиш, ҳамда уларнинг агрокимёвий хоссаларини аниқлаш бўйича Кухаренко Т.А, Христева Л.А, Орлов Д.С., Кононова М.М, Перминова И.В., Попов А.И., Лиштван И.И, Круглицкий Н.Н, Третинник В.Ю., Назарова Н.И., Алыбакова Н.К, Александрова Л.Н., Любимова С. Л, Григорьева Е.А., Алешукин Л.В, Кулачкова А.Ф., Сапрыкин Ф.Я., Лаврентьева М.М. Логинов Л.Ф. Sauve S., Hendershot W.H., Allen H.E. A. Abramets, Luo X.-S., Zhou D.-M., Liu X.-H., Wang Y.-J. ва бошқа кўплаб олимлар илмий-тадқиқот ишлари олиб борган. Республикамизда гумус моддаларининг кимёси ва гумус табиатли органик моддалар асосида гуминли маҳсулотлар олиш соҳасидаги тадқиқотларнинг ривожланиши кўпгина олимларнинг номлари билан боғлиқ (Таджиев А.Т., Набиев М.Н., Намазов Ш.С., Беглов Б.М., Забрамний Д.Т., Победоносцева Н.И., Таджиев С.М.). Улар табиий шароитда оксидланган кўнғир кўмирлар ва Ангрен конининг кўнғир кўмирларини турли оксидловчилар билан оксидлаш йўли билан гумин кислоталар унумини ошириш ва улар асосида турли гуминли ўғитлар ва гуматлар олиш технологияларини ишлаб чиқиш, оксидланган кўмирдан гуматларни экстракциялаб ажратиб олиш ҳамда уларни хар хил экинлар ва тупроқларда агрокимёвий самарадорлигини аниқлаш бўйича илмий изланишлар олиб борган.

Шу билан бир қаторда, гуминли ўғитлар олишнинг технологик, агрокимёвий ва иқтисодий жиҳатлари ўрганилганда Ангрен кони кўнғир кўмирини водород пероксид билан ишқорий муҳитда оксидлаб, сўнгра Марказий Қизилқум фосфоритларини сульфат кислота билан фаоллаштирилган маҳсулотига кўшиш йўли билан гуминли суперфосфат, карбамид суюқланмаси ва оксидланган кўмир асосида донатор гуминли ва гуматли карбамид ва таркибида турли озуқалар бўлган мураккаб гуматлар олиш бўйича маълумотлар мавжуд эмас.

**Диссертация тадқиқотининг бажарилган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.**

Диссертация иши Умумий ва ноорганик кимё институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Янги кўпфункционали гуминли ўғитлар: агрокимёвий ва агроэкологик баҳолаш, қўллаш учун амалий тавсиялар ишлаб чиқиш» (2020-2021 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа ва «Концентрланмаган азот кислотасида оксидланган Ангрен кўнғир кўмири асосида стимуляторлар (гумат аммоний ва натрий), гуминли карбамид ва оддий суперфосфат олиш технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш» хўжалик шартномаси доирасида бажарилган (2020 й.).

**Тадқиқотнинг мақсади** оксидланган кўнғир кўмир, Марказий Қизилқум фосфоритлари, карбамид суюқланмаси асосида гуминли оддий суперфосфат, гуминли, гуматли карбамид ва гуматлар олиш технологияларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

Ангрен кўнғир кўмирини органик қисмини максимал даражада гумин кислоталарга ва гуматларга айлантириш мақсадида водород пероксид билан ишқорий муҳитда оксидлашнинг мақбул шароитларини аниқлаш;

Марказий Қизилқум фосфоритлари оддий фосфорит уни (ОФУ), ювиб қуритилган концентрат(ЮҚК) ва ювиб куйдирилган концентратларини (ЮҚК) сульфат кислотада турли меъёрларда ва оксидланган кўмир билан турли масса нисбатларида фаоллаштириш ёрдамида гуминли оддий суперфосфат олиш жараёнларини тадқиқ этиш;

оксидланган кўмир маҳсулотлари ва карбамид суюқланмаси асосида гуминли ва гуматли карбамид олишнинг мақбул шароитларни аниқлаш;

оксидланган кўмир маҳсулотлари, карбамид, сульфат аммоний, аммоний нитрати, тозаланган ва аммонийлаштирилган экстракцион фосфор кислотаси (ЭФК) асосида NPK и NPKS мураккаб гуматларни мақбул таркибини ва олиш технологиясини ишлаб чиқиш;

гуминли ва гуматли карбамид, гуминли оддий суперфосфат мураккаб гуматларни туз таркибини аниқлаш ва физик-кимёвий ҳоссаларини ўрганиш;

таклиф этилаётган ўғитларни ва мураккаб гуматларни олишнинг технологик режимларини «Электрокимёзавод» АЖ-ҚҚда синовдан ўтказиб янги маҳсулотларни тажриба намуналарини олиш ва агрокимёвий самарадорлигини баҳолаш;

гуминли ўғитлар ва мураккаб гуматларни ишлаб чиқаришнинг принципиал технологик схемасини ишлаб чиқиш, моддий балансини ва техник-иқтисодий кўрсаткичларини ҳисоблаш.

**Тадқиқотнинг объекти** Ангрен кўнғир кўмир, оксидланган кўнғир кўмир маҳсулотлари, Марказий Қизилқум фосфоритлари, гуминли оддий суперфосфат, гуминли ва гуматли карбамид, мураккаб гуматлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** кўнғир кўмирни ва Қизилқум фосфоритларни гуминли оддий суперфосфатга қайта ишлаш жараёнлари, оксидланган кўмир маҳсулотлари ва карбамид суюқланмаси асосида гуминли

ва гуматли карбамид олиш жараёнлари, мураккаб гуматларнинг мақбул таркибини ва уларни олишнинг мақбул шароитларни аниқлаш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишини бажаришда кимёвий, физик-механик ва физик-кимёвий жумладан рентгенографик, ИҚ-спектроскопия, микроскопик, термик таҳлил усулларидадан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

сульфат кислотада қайта ишланган фосфорит хом ашёси маҳсулотини оксидланган кўмир иштирокида аммонизациялаганда ўсимликлар учун ўзлашувчан шаклдаги фосфор миқдорини ортиши аниқланган;

гуминли оддий суперфосфат олишда сульфат кислотанинг мақбул меъёри, шунингдек фосфорит : кўмир масса нисбати аниқланган;

гуминли карбамид олиш жараёнида карбамид суюқланмаси таркибидаги эркин аммиакни оксидланган кўмирга боғланиши ҳисобига, тайёр маҳсулотдан атмосферага аммиак ажралиб чиқишини тўхтатиш имконияти асосланган;

гуминли ва гуматли карбамид олиш жараёнида карбамид суюқланмаси ва оксидланган кўмир маҳсулотлари масса нисбатларига боғлиқ равишда гуминли ва гуматли карбамиднинг асосий кимёвий, физик-кимёвий ва технологик тавсифларини ўзгариши асосланган;

оксидланган кўмир маҳсулотлари карбамид, сульфат аммоний, аммоний нитрати, тозаланган ва аммонийлаштирилган ЭФК асосида NPK и NPKS мураккаб гуматлар олишнинг мақбул таркиби ишлаб чиқилди, шунингдек гуматларни таркиб ва хоссаларининг (туйинган буғ босими, зичлиги, қовушқоклиги, кристалланиш ҳарорати) ўзаро боғлиқлиги аниқланган;

гуминли оддий суперфосфат, гуминли ва гуматли карбамид, мураккаб гуматлар олишнинг технологияси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Марказий Қизилқум фосфоритларини сульфат кислотада парчалаш ва нордон суперфосфат массасини аммонизациялаш ва қуришиб доналаштиришдан олдин оксидланган кўмир қўшиш йўли билан гуминли оддий суперфосфат олиш технологияси ишлаб чиқилган;

карбамид суюқланмасига оксидланган кўмир ёки гуматлар қўшиш йўли билан доналаштирилган гуминли ва гуматли карбамид олиш технологияси ишлаб чиқилган;

оксидланган кўмир маҳсулотлари, карбамид, сульфат аммоний, аммоний нитрати, тозаланган ва аммонийлаштирилган ЭФК асосида NPK и NPKS мураккаб гуматлар олиш технологияси ва таркиби ишлаб чиқилган;

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Кимёвий ва физик-кимёвий таҳлил натижалари лаборатория тажрибалари, агрокимёвий ва тажриба-саноат синовлари билан тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, оксидланган гумус табиатли органик моддалар, карбамид суюқланмаси, сульфат кислотада парчаланган фосфоритлар асосида гуминли ва гуматли ўғитлар, турли озуқа ва



физиологик актив моддалар тутган эрувчан мураккаб гуматлар олишда системалаштирилган кимёвий, физик-кимёвий ва технологик тадқиқотларни ўтказишда асос бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти оксидланган кўмир асосида гуминли оддий суперфосфат, гуминли, гуматли карбамид ва гуматлар олиш технологиялари гуминли оддий суперфосфат олиш жараёнида сульфат кислота сарфини камайтиришга, гуминли карбамид олиш жараёнида тайёр маҳсулотдан газ фазага аммиак ажралиб чиқишини тўхтатишга шунингдек қишлоқ хўжалигида қўлланилганда ўсимликлар учун озуқа моддаларининг фойдали таъсирини оширишга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Оксидланган кўнғир кўмир маҳсулотлари, сульфат кислотада парчаланган фосфорит, карбамид суюқланмаси асосида гуминли оддий суперфосфат, гуминли ва гуматли карбамид ва мураккаб гуматлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Марказий Қизилқум фосфоритларини сульфат кислотада парчалаш ва нордон суперфосфат массасини аммонизациялаш ва қуришиб доналаштиришдан олдин оксидланган кўмир қўшиш йўли билан гуминли оддий суперфосфат олиш технологияси «Электрокимё завод» АЖ-ҚКнинг 2022-2023 йилларда жорий этиладиган истиқболли илмий ишланмалар рўйхатига киритилди. («Электрокимё завод» АЖ-ҚКнинг 16 ноябрь 2021 йилдаги 218 сон маълумотномаси). Натижада сульфат кислота сарфини камайтириш ва агрокимёвий самарадор гуминли оддий суперфосфат олиш имконини берган;

оксидланган кўмир маҳсулотлари карбамид, сульфат аммоний, аммоний нитрати, тозаланган ва аммонийлаштирилган ЭФК асосида NPK и NPKS мураккаб гуматлар олиш технологияси «Электрокимё завод» АЖ-ҚКнинг 2022-2023 йилларда жорий этиладиган истиқболли илмий ишланмалар рўйхатига киритилди. («Электрокимё завод» АЖ-ҚКнинг 16 ноябрь 2021 йилдаги 218 рақамли маълумотномаси). Натижада юқори самарали суюқ ўғит сифатида ва стимулятор сифатида ишлатиш мумкин бўлган гуматлар олиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган. Шундан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан 3 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 122 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ишнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқотнинг объект ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар тараққиёти устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги баён қилинган ва натижаларнинг амалиётга жорий этилиши берилган, чоп этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Биринчи бобда **«Гуминли ўғитлар ва гуматларни олиш ва қўллаш ҳамда уларнинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги аҳамияти»** адабиётлар шарҳи келтирилган бўлиб, унда гумус моддаларининг тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишдаги аҳамияти, қишлоқ хўжалигида гуминли ўғитлар ва гуматларни қўллашни самарадорлиги келтирилган. Гуминли ўғитлар ва гуматлар олишнинг мавжуд технологиялари, оддий суперфосфат, карбамид ишлаб чиқариш ва қўллаш таҳлил қилинган, гуминли ўғитлар ва гуматлар олиш бўйича патент ишларини шарҳи келтирилган. Адабиёт маълумотларини таҳлил қилиш асосида ушбу ишнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган.

Диссертациянинг **«Оксидланган қўнғир кўмир ва Марказий Қизилқум фосфоритлари асосида гуминли оддий суперфосфат олиш технологияси»** деб номланган иккинчи бобда қўнғир кўмир таркибида гумин кислоталар миқдорини ошириш мақсадида Ангрен кони қўнғир кўмирини ишқорий мухитда водород пероксид билан оксидлаш ва оксидланган кўмир, фосфорит хом ашёсини сульфат кислотада парчаланган маҳсулоти асосида гуминли оддий суперфосфат олиш бўйича тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Тажирибаларда одатдаги ҳаво шароитида қуритилган ва зўлдирли тегирмонда 0,25 мм ўлчамгача майдалангандан кейин қуйидаги таркибга эга бўлган (оғир.%): намлиги 15,66; кули 14,90; органикаси 69,44; органик массага нисбатан гумин кислотаси (ГК) 3,82 ва фульвокислотаси 0,91 Ангрен қўнғир кўмири намунасидан фойдаланилди. Оксидлаш жараёнлари водород пероксид 10 дан 30 %, натрий гидроксид эритмаси ёки калий гидроксид 20 дан 40% ва кўмир (органик қисми) :  $H_2O_2$  : NaOH (KOH) 1 : 0,1 : 0,005 дан 1 : 0,6 : 0,01 гача бўлган оралиғидаги концентрация ва масса нисбатларида ўтказилди. Тажирибалар қуйидагича ўтказилди, дастлаб кўмирга майдаланган натрий гидроксид ёки калий ва ёки уларнинг эритмаси билан механик ховончада кўмир (органик қисми) : NaOH (KOH) 1 : 0,005 масса нисбатда 30 дақиқа давомида ишлов берилди. Сўнгра водород пероксид эритмаси олдиндан қуйилган трубкасимон реакторга аралаштирилган ҳолатда олинган масса қўшилди ва икки соат давомида оксидланди. Барча тажирибаларда жараён тамомлангандан сўнгра реакцион масса ҳаво шароитида қуритилди ва намлиги, кули, органик моддалар, ГК, фульвокислота ҳамда қолдиқ кўмир миқдорлари аниқланди. Кўмирни оксидлаш жараёни 10-%ли водород пероксид, 40-% ли натрий гидроксид ва кўмир :  $H_2O_2$  : NaOH = 1 : 0,6 : 0,005

масса нисбатида олиб борилганда энг кўп миқдордаги гумин кислота 63,75% олинди. Деярли шунча миқдордаги 61,02 % ГК оксидлаш жараёни 10%-ли водород пероксид, 40-% ли натрий гидроксид ва кўмир :  $H_2O_2$  :  $NaOH$  = 1 : 0,6 : 0,005 масса нисбатида олиб борилганда олинди. Ўтказилган тадқиқотлар натижалари, оксидловчи сарфи ва оксидланган кўмирдаги гумин кислоталар миқдорига асосан мақбул шароит аниқланди. Мақбул шароитда, яъни 20-% ли водород пероксид, кўмир (органика қисми) :  $H_2O_2$  :  $NaOH$  = 1 : 0,2 : 0,005 масса нисбатда, 70<sup>o</sup>C ҳароратда икки соат давомида кўмир оксидланганда ГК миқдори 3,98% дан 53,69 % га ошди. Дастлабки ва оксидланган кўмир маҳсулотларининг ИК-спектроскопик тадқиқотлари, функционал группаларини аниқлаш асосида кўмирни  $H_2O_2$  оксидлаганда кўмир макромолекуласини деструкцияланиши, бу эса боғнинг узилиш жойида фаол функционал гуруҳларнинг шаклланишига олиб келиши, шунингдек кўмир таркибида мавжуд бўлган гумин кислоталарининг эркин ҳолатга ўтишини таъминлаши аниқланди. Бундан ташқари гумин кислоталари ва фаол функционал гуруҳлар ҳосил бўлиши туфайли кўмирнинг водород пероксид билан оксидланиши жараёнида рН муҳитнинг тушиши, яъни кучсиз ишқорий муҳитдан (рН 7,5) кучсиз кислотали муҳитга (рН 4,2) ўтиши аниқланди.

Гуминли оддий суперфосфат олиш учун Қизилқум фосфорит мажмуаси маҳсулотлари, яъни ЮҚК, ЮКК ва ОФУ фойдаланилди, уларнинг кимёвий таркиби 1-жадвалда кўрсатилган. Фосфорит хом ашёсини фаоллаштириш учун 92%-ли сульфат кислота фойдаланилди. Органик компонент сифатида кучсиз ишқорий муҳитда водород пероксидда мақбул шароитда оксидланган қуйидаги таркибга эга (оғир.%): намлик 48,2; кули 10,35; органик моддалари 41,45; умумий органик моддаларга нисбатан ГК 53,64 маҳсулотдан фойдаланилди.

### 1-жадвал

#### Марказий Қизилқум фосфоритларини кимёвий таркиби

Фосфорит хом ашёси турлари	Компонентлар миқдори, оғир.%								$\frac{P_2O_{5\text{она}}}{P_2O_{5\text{ста}}} \times 100, \%$	СаО : $P_2O_5$
	$P_2O_5$	СаО	MgO	$Fe_2O_3$	$Al_2O_3$	F	CO <sub>2</sub>	н.о.		
ЮКК	27,26	53,36	0,61	0,51	1,30	2,91	2,41	5,95	12,24	1,96
ЮҚК	18,22	47,28	0,99	0,60	1,18	2,29	14,90	6,81	17,80	2,60
ОФУ	17,20	46,22	1,75	1,05	1,24	2,00	16,00	7,69	18,50	2,69

Тадқиқотнинг биринчи босқичида фосфорит хом ашёси таркибидаги ўсимлик ўзлаштира олмайдиган шаклдаги  $P_2O_5$ -ни ўсимликлар учун ўзлашадиган шаклга ўтказиш мақсадида фосфорит хом ашёси сульфат кислота билан фаоллаштирилди. Кислота меъёри қуйида келтирилган реакция бўйича монокальцийфосфат ҳосил бўлишига ҳисоблаб 40, 50, 60, 70, 80 ва 90 % стехиометрик миқдорида олинди.



Кислотанинг стехиометрик меъёри 90% бўлганда 100 г ОФУ қайта ишлаш учун 69,75 г 92%ли  $H_2SO_4$  ишлатилди. Фосфорит хом ашёсига сульфат кислотада 60 дақиқа давомида ишлов берилди. Фосфорит хом ашёси

сульфат кислотаси билан таъсирлашуви тугалланиши билан аралашамага оксидланган кўмир кўшилди. У фосфорит хом ашёси : кўмир (дастлабки кўмир органик қисми) = 1 : (0,1-1) бўлган масса нисбатларида кўшилди. Сўнгра олинган аралашма 30 дақиқа давомида аралаштирилди ва 25% ли аммиак билан рН 4-4,5 қийматга қадар нейтралланди. Қуритиш 80°С да, доналаштириш эса қуритиш жараёнида аралаштириш йўли билан амалга оширилди. Ўғитларни кимёвий таркиби маълум усуллар ёрдамида аниқланди. Таҳлиллар натижалари 2-жадвалда келтирилган. Жадвалдан кўриниб турибдики, сульфат кислота меъёри қанча кўп бўлса ва фосфорит хом ашёси қанча кам олинса, маҳсулотда P<sub>2</sub>O<sub>5</sub> умумий кам, аммо ўзлашувчан шаклдаги P<sub>2</sub>O<sub>5</sub> нисбий миқдори шунча кўп. Фосфорит : кўмир = 1 : 0,25 масса нисбатида ва монокальцийфосфат ҳосил бўлишига сульфат кислота стехиометрик меъёри 40% бўлганда қуйдаги таркибга эга бўлган гуминли оддий суперфосфат олинди (оғир %): P<sub>2</sub>O<sub>5</sub> умумий -11,48; P<sub>2</sub>O<sub>5</sub> лимон кислотада ўзлашувчан -6,93; P<sub>2</sub>O<sub>5</sub> ўзлашувчан трилон Б бўйича -5,92; органик моддалар -12,23; гумин кислота - 5,48; азот - 0,98; СаО<sub>умум.</sub> - 30,48; P<sub>2</sub>O<sub>5</sub> лимон кислотада ўзлашувчан шаклини нисбий миқдори - 60,37. Фосфоритга кўмирни юқорида қайд этилган нисбатида аммо монокальцийфосфат ҳосил бўлишига сульфат кислота стехиометрик меъёри 90% бўлганда қуйдаги таркибдаги гуминли оддий суперфосфат олинди (оғир %): P<sub>2</sub>O<sub>5</sub> умумий - 9,39; P<sub>2</sub>O<sub>5</sub> лимон кислотада ўзлашувчан - 8,13; P<sub>2</sub>O<sub>5</sub> ўзлашувчан трилон Б бўйича - 7,11; органик моддалар -13,81; гумин кислота - 6,21; азот -3,57; СаО<sub>умум.</sub> -27,83; P<sub>2</sub>O<sub>5</sub> лимон кислотада ўзлашувчан шаклини нисбий миқдори -86,52 яъни фосфорни ўзлашувчан шакли деярли 2 баробар кўп. Жадвалдан яна шу ҳам кўриниб турибдики, оксидланган кўмир миқдори ортиб бориши билан P<sub>2</sub>O<sub>5</sub> нинг ўзлашувчан шаклини нисбий миқдори ҳам ортиб бормоқда. Мисол учун, фосфорит : кўмир = 1 : 0,1 ва сульфат кислота стехиометрик меъёри монокальцийфосфат ҳосил бўлишига нисбатан 60 % бўлганда P<sub>2</sub>O<sub>5</sub> нисбий ўзлашувчан шакли 71,09%, сульфат кислотани монокальцийфосфат ҳосил бўлишига худди шу меъёрида аммо фосфорит : кўмир = 1 : 1 масса нисбатида P<sub>2</sub>O<sub>5</sub> нисбий ўзлашувчан шакли 87,20% ташкил этди. Таркиб бўйича шунга ўхшаш ўзгаришлар бошқа турдаги фосфорит хом ашёлари ишлатилганда ҳам кузатилди.

Ҳозирги вақтдаги қишлоқ хўжалигининг талаби бўйича фосфорли ўғитлар таркибидаги фосфорни сувда эрийдиган шаклини нисбий миқдори 50% кам бўлмаслиги мақсадга мувофиқ. Шунинг учун ОФУ қайта ишлашни мақбул шароити сифатида монокальцийфосфат ҳосил бўлишига нисбатан сульфат кислота стехиометрик меъёри 70%, фосфоритни кўмирга нисбатан 1 : 0,25 масса нисбати танлаб олинди. Мақбул шароитда қуйдаги таркибдаги ўғит олинди (оғир %): P<sub>2</sub>O<sub>5</sub> умумий -10,35; P<sub>2</sub>O<sub>5</sub> лимон кислотада ўзлашувчан -7,83; P<sub>2</sub>O<sub>5</sub> ўзлашувчан трилон Б бўйича - 6,82; органик моддалар -12,08; гумин кислота -5,44; азот - 2,38; СаО<sub>умум.</sub> -25,44; P<sub>2</sub>O<sub>5</sub> лимон кислотада ўзлашувчан шаклини нисбий миқдори -76,31 ўғит доналари мустаҳкамлиги 2,4 МПа.


## 2-жадвал

Оддий фосфорит уни ва водород пероксидда оксидланган кўмир асосида олинган  
гуминли оддий суперфосфатлар таркиби

ОФУ : кўмир масса нисбати	Намл ик, %	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> ум., %	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> ўз. лим. %	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> ўз. Тр.Б., %	СаО ум., %	СаО ўз., %	$\frac{P_2O_{5\text{усв.}}}{P_2O_{5\text{общ.}}}$ , %	SO <sub>3</sub> , ум. %	N, ум. %	Орг. модда лар, %	ГК %
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
Са(Н <sub>2</sub> РО <sub>4</sub> ) <sub>2</sub> ҳосил бўлишига нисбатан Н <sub>2</sub> SO <sub>4</sub> меъёри, 40%											
1 : 0	0,86	14,38	8,35	7,32	36,43	4,38	58,07	20,43	0,42	0	0
1 : 0,1	1,27	12,86	7,61	6,58	33,37	4,21	59,18	17,06	0,63	6,41	2,88
1 : 0,25	1,67	11,48	6,93	5,92	30,48	4,04	60,37	14,88	0,98	12,23	5,48
1 : 0,75	2,83	8,76	5,67	4,66	18,58	2,94	64,73	8,66	1,88	24,41	10,98
1 : 1	3,39	7,39	4,97	3,95	12,62	2,16	67,25	7,07	2,27	26,54	11,94
Са(Н <sub>2</sub> РО <sub>4</sub> ) <sub>2</sub> ҳосил бўлишига нисбатан Н <sub>2</sub> SO <sub>4</sub> меъёри, 50%											
1 : 0	0,95	13,86	8,79	7,73	34,81	4,31	63,43	23,48	0,75	0	0
1 : 0,1	1,38	12,46	8,04	7,01	31,96	4,02	64,58	20,73	1,04	6,47	2,91
1 : 0,25	1,76	11,08	7,29	6,25	29,19	3,93	65,80	17,11	1,42	11,27	5,07
1 : 0,75	2,94	8,35	5,87	4,81	17,95	2,98	70,26	9,96	2,13	23,26	10,47
1 : 1	4,03	6,98	5,07	4,04	16,88	3,81	92,51	19,57	2,83	35,57	16,01
Са(Н <sub>2</sub> РО <sub>4</sub> ) <sub>2</sub> ҳосил бўлишига нисбатан Н <sub>2</sub> SO <sub>4</sub> меъёри, 60%											
1 : 0	1,01	13,33	9,12	8,16	33,35	4,38	69,91	26,56	1,44	0	0
1 : 0,1	1,41	12,02	8,51	7,45	31,12	4,26	71,09	24,71	1,65	6,53	2,94
1 : 0,25	1,84	10,62	7,67	6,63	29,06	4,21	72,22	19,41	1,89	10,46	4,71
1 : 0,75	3,03	7,83	6,03	5,01	20,48	3,57	76,90	11,12	3,67	22,07	9,91
1 : 1	3,87	6,43	5,09	4,05	16,11	3,54	87,20	22,15	4,14	44,96	20,23
Са(Н <sub>2</sub> РО <sub>4</sub> ) <sub>2</sub> ҳосил бўлишига нисбатан Н <sub>2</sub> SO <sub>4</sub> меъёри, 70%											
1 : 0	1,13	12,83	9,49	8,44	32,25	4,43	73,93	30,02	2,13	0	0
1 : 0,1	1,56	11,74	8,81	7,76	30,06	4,31	75,05	27,72	2,26	6,38	2,87
1 : 0,25	1,94	10,35	7,83	6,82	25,44	4,22	76,31	23,18	2,38	12,08	5,44
1 : 0,75	3,12	7,57	6,14	5,13	17,17	3,28	81,17	15,84	2,88	27,35	12,31
1 : 1	3,71	6,17	5,16	4,19	15,25	3,13	83,48	14,07	3,22	32,39	14,58
Са(Н <sub>2</sub> РО <sub>4</sub> ) <sub>2</sub> ҳосил бўлишига нисбатан Н <sub>2</sub> SO <sub>4</sub> меъёри, 80%											
1 : 0	1,24	12,31	9,60	8,54	32,19	5,24	77,97	33,39	2,79	0	0
1 : 0,1	1,68	11,18	8,83	7,79	30,06	5,06	78,90	30,73	2,92	6,22	2,78
1 : 0,25	2,06	9,85	7,91	6,88	28,17	4,81	80,28	28,67	3,03	14,48	6,52
1 : 0,75	3,27	7,19	6,11	5,08	20,13	4,19	84,78	23,64	3,41	35,97	16,19
1 : 1	3,87	5,86	5,12	4,16	16,11	3,54	87,20	22,15	3,64	44,96	20,23
Са(Н <sub>2</sub> РО <sub>4</sub> ) <sub>2</sub> ҳосил бўлишига нисбатан Н <sub>2</sub> SO <sub>4</sub> меъёри, 90%											
1 : 0	1,33	11,76	9,81	8,76	31,48	5,61	83,32	36,54	3,41	0	0
1 : 0,1	1,85	10,74	9,06	8,01	29,56	5,34	84,35	31,94	3,51	5,81	2,62
1 : 0,25	2,16	9,39	8,13	7,11	27,83	5,08	86,52	30,58	3,57	13,81	6,21
1 : 1	4,03	5,34	4,94	3,88	16,88	3,81	92,51	19,57	4,23	35,57	16,01

Тадқиқотлар натижалари катталаштирилган лаборатория қурилмасида ва «Электрокимё завод» АЖ-ҚКнинг тажриба қурилмасида синовдан ўтказилди. Ўғитларнинг товар хоссалари аниқланади: гигроскопиклик, намлик сифими, ёпишқоқлик хоссаси ва доналар мустаҳкамлиги. Олинган

Ўғитларнинг рентген ва термогравиметрик таҳлили ўтказилди. Гигроскопик нуқталар 77,91-79.14% оралиғида бўлиши аниқланди. Гигроскопиклик даражасига кўра гуминли оддий суперфосфат кучсиз гигроскопик моддаларга тааллуқли. Ўғит доналарининг мустаҳкамлиги 2,31-2,72 МПа. Гуминли оддий суперфосфат бошқа ўғитларга нисбатан юқори намликка эга бўлганда ҳам ёпишиб қотиб қолмайди ва тўлиқ сочилувчанлигини сақлайди, . Ўтказилган тадқиқотлар ва синов натижалари асосида гуминли оддий суперфосфат олишнинг асосий технологик параметрлари аниқланди. Моддий баланси ҳисобланди ва принципиал технологик схемаси ишлаб чиқилди (1-расм).



**1-расм. Гуминли оддий суперфосфат олиш жараёнининг принципиал технологик схемаси**

1,2,3,8 - сизимлар; 5 - автоматик концентратор; 6 - реактор; 2, 10, 11 - шнекли аралаштиргич; 7 - таъминловчи бункер; 9 - тирқишли сарф ҳисоблагич; 12 - қуритиш ускунаси; 13 - циклон; 14 - скруббер; 15 - вентилятор 16 - классификатор 17 - майдалагич.

Водород пероксидда оксидланган кўнғир кўмир ва сульфат кислотада парчаланган оддий фосфорит уни асосида гуминли оддий суперфосфат олишнинг технологик жараёнлари қуйдаги асосий босқичлардан иборат:

1. Кўнғир кўмирни ишқорий муҳитда водород пероксид билан оксидлаш;
2. Фосфорит хом ашёсини сульфат кислота билан парчалаш;
3. Оксидланган кўмирни фосфорит хом ашёси сульфат кислотада қайта ишланган маҳсулоти билан аралаштириш;
4. Маҳсулотни аммиак билан нейтраллаш;

5. Маҳсулотни барабанли доналаштиргичда ретур кўшиб доналаштириш ва куриштиш;

6. Маҳсулотни майдалаш, элаш ва қадоқлаш.

Шундай қилиб, Марказий Қизилқум фосфоритлари ЮКК, ЮКК, ОФУларни сульфат кислотада парчалаш ва уларга водород пероксидда ишқорий муҳитда оксидланган кўмир кўшиш йўли билан гуминли оддий суперфосфат олиш жараёнилари ўрганилди. Амалдаги оддий суперфосфат ўғити олиш жараёнида фосфорит хом ашёсини сульфат кислотада қайта ишланган маҳсулотини нейтраллаш жараёнида ўзлашувчан шаклдаги фосфорни камайиши кузатилса, гуминли оддий суперфосфат олиш жараёнида нейтраллашдан олдин оксидланган кўмир кўшилиши ҳисобига аксинча ўзлашувчан шаклдаги  $P_2O_5$  нисбий миқдорини анчагина ошиши асосланди.

Диссертациянинг учинчи бобида «**Оксидланган кўмир асосида гуминли ва гуматли карбамид олиш технологияси**» гуминли ва гуматли карбамид олиш жараёнилари тадқиқотларини натижалари келтирилган. Гуминли карбамид олиш учун асосий компонент сифатида А маркали «Махам-Chirchiq» АЖ маҳсулоти таркибида 46,3 % азот тутган карбамид ( $CO(NH_2)_2$ ) ва юқорида таркиби келтирилган деярли сувсиз ҳолатга қадар қуриштирилган ва 0,1 мм гача майдаланган оксидланган кўмрдан фойдаланилди. Таҷрибалар қуйидагича амалга оширилди: карбамид электр плитка устида металл стаканда суёқлантирилди, суёқланмага  $137^{\circ}C$  да ( $CO(NH_2)_2$ ) : оксидланган кўмир = 100 : (2,5-20) масса нисбатларда оксидланган кўмир кукуни киритилди, ҳарорат бир хил ушлаб турилган ҳолатда суёқланма 2-3 дақиқа давомида аралаштирилди, доимий аралаштириш давомида тағ қисмида диаметри 1,2 мм бўлган металл стакан кўринишидаги грануляторга қуйилди, насос ёрдамида стаканнинг тепа қисмидан босим ҳосил қилинди ва 35 метр баландликдан суёқланма сочилди ва қора рангдаги гуминли карбамид доналари олинди. Реологик хоссаларини аниқлаш мақсадида юқорида қайд этилган масса нисбатларда оксидланган кўмир кўшилган карбамид суёқланмаларини зичлиги ва қовушқоқликлари аниқланди. Олинган натижалар 3 ва 4 жадвалларда келтирилган. Натижалардан кўриниб турибдики, оксидланган кўмирни карбамид суёқланмаси билан аралаштириш йўли билан таркибида 37,73 дан 44,87% гача N, 2,43 дан 16,50% гача органик моддалар ва 1,10 дан 7,43% гача гумин кислоталар тутган донодор азот-гуминли ўғитлар олинди. Жадвалдан кўриниб турибдики, ўрганилган нисбатларда ишқорий муҳитда водород пероксид билан оксидланган кўмирни карбамид суёқланмасига киритилиши грануларнинг мустаҳкамлигини оширади. Карбамид суёқланмасига  $CO(NH_2)_2$  : оксидланган кўмир = 100 : 2,5 масса нисбатда оксидланган кўмир киритилганда доналар мустаҳкамлиги 2,06 МПа, 100 : 5 масса нисбатда 2,52 МПа, 100 : 7,5 да 2,99 МПа, 100 : 10 да 2,37 МПа, 100 : 20 да эса 1,74, яъни 100 : 10 нисбатдан сўнгра доналар мустаҳкамлиги камайиши кузатилди, аммо ўрганилган нисбатларда олинган гуминли карбамид

доналарини мустаҳкамлиги карбамидга нисбатан юқори. Буларнинг ҳаммаси оксидланган кўмирни олинган ўғитнинг товар хоссаларига ижобий таъсир қилишини кўрсатади.

**3-жадвал**

**Карбамид суюқланмаси ва водород пероксидда ишқорий муҳитда оксидланган кўмир асосида олинган гуминли карбамидлар таркиби**

(NH <sub>2</sub> ) <sub>2</sub> CO : оксидланган кўмир масса нисбати	Умумий N, %	Органик моддалар, %	Гумин кислоталар, %	рН (10% ли- эритма)	Намлик , %	Доналар мустаҳ- камлиги, Мпа
100 : 0	46,3	-	-	8,31	0,171	1,35
100 : 2,5	44,98	2,43	1,10	8,06	0,165	2,06
100 : 5	43,86	4,74	2,14	7,85	0,161	2,52
100 : 7,5	42,77	6,98	3,15	7,64	0,156	2,99
100 : 10	41,79	9,08	4,09	7,37	0,151	2,37
100 : 12,5	40,84	11,04	4,97	7,09	0,148	2,80
100 : 15	39,48	12,93	5,82	7,01	0,142	2,43
100 : 17,5	38,53	14,75	6,64	6,94	0,137	2,13
100 : 20	37,84	16,50	7,43	6,83	0,132	1,74

**4-жадвал**

**Карбамид суюқланмасига оксидланган кўмир киритиш йўли билан олинган ўғитлар суюқланмаларининг реологик хоссалари**

(NH <sub>2</sub> ) <sub>2</sub> CO : оксидланган кўмир масса нисбати	Зичлик (г/см <sup>3</sup> ), хароратларда, °С				Қовушқоқлик хароратларда (сПз), °С			
	137	138	139	140	137	138	139	140
100 : 0	1,248	1,228	1,206	1,184	3,02	2,91	2,79	2,67
100 : 2,5	1,327	1,304	1,283	1,261	3,61	3,46	3,35	3,21
100 : 5	1,335	1,314	1,296	1,274	4,25	4,10	3,95	3,82
100 : 7,5	1,346	1,325	1,308	1,288	4,87	4,70	4,56	4,43
100 : 10	1,364	1,342	1,323	1,302	6,44	6,24	6,07	5,91
100 : 12,5	1,380	1,358	1,336	1,315	8,02	7,78	7,59	7,40
100 : 15	1,396	1,374	1,352	1,331	16,54	16,19	15,85	15,53
100 : 17,5	1,406	1,385	1,363	1,344	24,98	24,53	24,06	23,66
100 : 20	1,422	1,401	1,379	1,358	33,58	32,99	32,53	31,97

4-жадвалдан кўриниб турибдики, CO(NH<sub>2</sub>)<sub>2</sub> суюқланмасига оксидланган кўмир киритилиши унинг реологик хоссаларига таъсир этади. Карбамид суюқланмасига оксидланган кўмир қанча кўп киритилса унинг зичлик ва қовушқоқлик қийматлари шунча юқори. Стандарт карбамиднинг 137°С хароратдаги зичлиги ва қовушқоқлиги 1,248 кг/см<sup>3</sup> ва 3,02 сПз ташкил этади. Ушбу кўрсаткичлар CO(NH<sub>2</sub>)<sub>2</sub> : оксидланган кўмир = 100 : 2,5 масса нисбатида олинган суюқланмада 1,327 кг/см<sup>3</sup> ва 3,61 сПз гача ошди, 100 : 10



да мос равишда  $1,364 \text{ кг/см}^3$  ва  $6,44 \text{ сПз}$  гача, энг юқори яъни зичлик ( $1,422 \text{ кг/см}^3$ ) ва қовушқоқлик ( $33,58 \text{ сПз}$ )  $\text{CO}(\text{NH}_2)_2$  : оксидланган кўмир =  $100 : 20$  масса нисбатида кузатилди. Барча кўрсатилган нисбатларда суюқланмаларнинг реологик хоссалари суюқланмани ўтказиш ва минорадан сочиш усулида доналаштириш учун тўлиқ яроқли. Маълумки, карбамид доналарини сувда эрувчанлиги қанча кам бўлса, тупроқда ўғитдан азот шунча секинроқ эритмага ўтади, яъни ўсимликка узоқроқ давомий таъсир этади. Агар амалдаги  $\text{CO}(\text{NH}_2)_2$  доналарини тўлиқ эриши ўртача 112 сек. бўлса, 100 г карбамид таркибига 2,5 дан 20 г гача кукун кўринишида оксидланган кўмир киритилиши маҳсулот доналарини эриш тезлигини мос равишда 130 дан 210 сек. гача камайтирди.

Шунингдек карбамид суюқланмаси, гумат натрий, калий ва аммоний асосида гуматли доналаштирилган карбамид олиш жараёнлари ўрганилди. Карбамид суюқланмасига гумат натрий, калий ва аммоний кукун кўринишида доналаштиришдан олдин киритилди. Гуमतлар ишқорий муҳитда водород пероксидда оксидланган кўнғир кўмирдан экстракциялаб сўнгра қуритиб олинди. Гуमतлар таркиби 5-жадвалда келтирилган.

#### 5-жадвал

